

**OLIV VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
ZAHIRIDDIN MUHAMMAD BOBUR NOMIDAGI ANDIJON DAVLAT
UNIVERSITETI**

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI INNOVATSION RIVOJLANISH
VAZIRLIGI**

**YANGI O'ZBEK ADABIYOTINING SHAKLLANISHI VA TAKOMILIDA
ABDULHAMID CHO'L PON IJODINING O'RNI**

XALQARO ILMIY-AMALIY ONLAYN KONFERENSIYA

2022-yil 15-mart



*Uzoq yo'lning yo'lchisiman, boraman,
Istagimni bu yo'llardan olaman!..*

MATERIALLARI

ANDIJON – 2022

OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
ZAHIRIDDIN MUHAMMAD BOBUR NOMIDAGI ANDIJON DAVLAT
UNIVERSITETI
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI INNOVATSION RIVOJLANISH
VAZIRLIGI

“YANGI O'ZBEK ADABIYOTINING SHAKLLANISHI
VA TAKOMILIDA ABDULHAMID CHO'L PON
IJODINING O'RNI”

XALQARO ILMIY-AMALIY ONLAYN KONFERENSIYA
(2022-yil 15-mart)

MATERIALLARI

ANDIJON – 2022

шеърлятида янгича йўлни бошлаб берган, инсоний интим туйгуларни жунбушга келтирувчи ҳассос шеърлари, юксак бадний таржималари, эпик ва драматик асарлари, ўткир публицистикаси билан халқни жаҳолатдан уйғониш, илм-маърифат, инсонпарварлик, адолатга чорлаган ижодкор эканлиги барча давр адабиётшунослари учун ибратлидир.

Калит сўзлар: Ҳассос, интим туйгулар, миллий уйғониш, жаҳолат, маърифатпарварлик, инсонпарварлик, эстетик дид.

Янгича дунёқарашни, бадний эстетик диди, ижтимоий-сиёсий муҳитни идеаллаштириш гоёлари билан ўз даврида таникли бўлган ижодкор Абдулҳамид Сулаймон ўгли Чўлпон уйғониш даври ўзбек адабиётининг йирик вакили сифатида машҳурдир. XX аср ўзбек шеърлятида янгича йўлни бошлаб берган, инсоний интим туйгуларни куйловчи ҳассос шеърлари, юксак бадний таржималари, эпик ва драматик асарлари, ўткир публицистикаси билан халқни жаҳолатдан уйғониш, илм-маърифат, инсонпарварлик, адолатга чорлаган ижодкор ҳамдир.

Талабалик йилларида унинг шеърлари, мақолалари, фелъетон ва ҳикоялари даврининг вақтли матбуотида чоп этила бошлади. Унинг “Бизнинг халқ” шеъри, “Мадрасаларимиз ахволи”, “Мактаб” номли мақолалари (“Садон Туркистон”) “Қурбони жаҳолат”, “Дўхтур Муҳаммадиёр” ҳикояларига гоёвий нуқтан назардан қарайдиган бўлсак, деярли барчасида инсонпарварлик, инсоннинг яшашдан мақсади, инсоний туйгуларнинг нақадар юксаклиги ва бу туйгуларнинг ўз иродасизлиги, жаҳолати ва маърифатсизлиги туфайли топтаётганидан эзилиш кузатилади.

Унинг 20-йилларда ёзилган «Ойдин кечаларда», «Қор қўйнида лола», «Новвой қиз», «Чопон ва паранжи», “Қурбони жаҳолат”, “Дўхтур Муҳаммадиёр” сингари ҳикоялари ўзбек адабиётидаги маърифатпарварликни тарғиб этувчи ва яқин ўтмишимиз манзараларини тасвир этган асарлар сифатида ўзбек насрининг ўзига хос саҳифасини ташкил этади. Ушбу

хикояларда акс эттирилган гоя орқали Чўлпон ўз даврининг ижтимоий-сиёсий муҳити, халқнинг маънавий-маърифий дунёқараши, эстетик дидини кўрсатиб беришга ҳаракат қилади. Хусусан, “Қурбони жаҳолат” хикоясида Мўминжон образи орқали, айнан, жаҳолатга ботган, ўғрилиқ ва риёкорликни ўзига касб қилган тубан шахс характерини очиб берса, шу хикоядаги Эшмурод образи орқали даврнинг интилувчан, уйғоқ, янгилик ва ўзгаришларга мойил идеал маърифатпарвар шахс характерини кўрсатмоқчилиги диққатга сазовор. Жумладан, ушбу парчага эътибор қаратайлик: *“Эшмурод кеча-кундуз ўйлар эдики, шул жаҳолат ва нодонликнинг уяси бўлган ҳавлисидан қочуб, бошқа бир шаҳарга боруб ўқусун. Нодон отасининг райига қараб илмдан бебахра ҳолда ҳайвон бўлуб қолмакнинг ёмонлигини билса ҳам, иложсизликдан сабр қилди ва кўнглидаги хафаликларин тарқатмак учун кўлига газитани ушлаб кўшиниси мингбошининг боқчасига чиқди. Газитанинг қай ерига қараса, туркистонли бечораларнинг илмсиз ва ҳунарсиз ҳолда маишат қилганларига таассуф қилуб ёзадир. Яна диққат... Яна хафалик... Оҳ, жаҳолат!!! Битдук, битдук... Ўлдук, тирилмаймиз...”*[1]

Маърифатсиз, имонсиз ўғри, жаҳолатга ботган ёшлар характерини хикоядаги Мўминжон образи орқали кўрсатмоқчи бўлади: *“Мўминжон ёшлигидан ўғрилиқни одат қилуб, келгонидан меҳмонхонанинг қозуғига осилган соатга тикилди”*[1].

Чўлпон жамиятдаги баъзи ёшлар қалби ва онги шуурига Инсонийлик, Маърифатпарварлик туйғулари ўрнига илмсизлик туфайли инсофсизлик, жаҳолат, ўғрилиқ каби иллатлар илдиз отаётганига ургу беради. Хусусан, хикоя охирида Эшмурод мингбошининг уйдан соат ўғирлаганликда айбланади ва ҳибсга олмоқчи бўлганларида замона кишиларининг маърифатсизлигидан, жоҳиллигидан эзилади: *“Эшмурод кўб хафаланди, ақлдан озуб, ўз-ўзини ўлдурмакка қарор берди. Бир топонча тобди. Деворга хат ёзуб қолдируб кўкрагига икки мартаба отди. Шул вақт жон таслим*

қилди. Пристўфлар келуб кўруб дўктур чақируб боқдилар. На фойдаки, бечора Эшмурод ўлди... Жаҳолатга қурбон бўлди...

Бир-икки ойдан кейин соат ўғирлаган бесоқол боланинг уйига ўғрилар кируб ушландилар. Ўғирланган моллар ичида бесоқолнинг мингбошидан ўғурлаган соати ҳам бор эди. Энди ҳақиқати билиндики, мингбошининг соатини ўғурлаган Эшмурод бўлмай, Эшмуроднинг қўшинисининг бесоқол боласи экан. Бечора Эшмурод эса жаҳолатга қурбон бўлган экан” [1]

Таассуфки, жоҳиллик ва маърифатсизлик туфайли ўша даврда минглаб Эшмуродлар қурбон бўлганлиги, айна ҳақиқат.

Чўлпоннинг “Дўхтур Муҳаммадиёр” ҳикояси ҳам мазмун жиҳатидан “Қурбони жаҳолат” сингари маърифатпарварлик гоясини тарғиб этиш, халқнинг маданият борасида анчайин оқсаганлигидан азият чекканлигини ифода этиш истагида яратилган. Ҳикоя қаҳрамони Муҳаммадиёрнинг отаси Ҳожи Аҳмад (Аҳмад сартарош) “ўз шахрида «Ҳожи сартарош» деб машҳур эди. Анинг ҳожилигининг бош сабаби 15 яшар экан вақтида отаси ила ҳажга борган эди. Отаси ҳажда вафот топкандан сўнгра «ёлғуз ўзи Миср, Истамбул, Фас-Марокаш, Булужистон, Бағдод, Эрон ва Афғонистон тарафларни ва ички Русияни ўн йил қадар саёҳат қилуб қайткан эди. Саёҳатдан қилгон фойдаси форсча, арабча, русча ва инглизча тилларда сўйламакга қодир бўлди. Аммо ўзининг нодонлиги сабаб бўлуб саёҳатда кўб машаққатлар кўрганлигидан ўгли Муҳаммадиёр ўқув ёшига етар-этмас бутун куч ва қуввати ила ани ўқутурга ҳаракат қилди” [1].

Кўринадики, Ҳожи сартарош ҳам ўз даврининг илм-маърифатли кишиси бўлишига қарамай, биргина фарзанди Муҳаммадиёрни ўқитишга пул тополмайди, бу борада мурожаат қилган барча “юқори” жойлардан ҳеч қандай нажот бўлмайди. Охир оқибатда, жаҳолат қурбони бўлган Муҳаммадиёрнинг отаси ўлар чоғида: “Ўғлим!.. Мерос сен... га... ўлтурган... жой... Васиятим... ўқу... ў... қу... ўқу... ўқу... Мен... р-р-ри... зомен, ” [1]- деб жон таслим қилди.

Ҳикояда Муҳаммадиёр отасини ўлдурувчилар одам жинсидан бўлса-да, бироқ уларнинг қалбида уруғ ёйган *жаҳолат* эканлигини ўйлаб, тинчгина отасини кўмди, бироқ отасининг васиятини бажаришга аҳд қилди. Шундан кейин орқасида анча машшаққатлар эвазига илм-маърифатли бўлишни эришди. Ёзувчи ўзининг ички изтиробларини, уни бир кундан кўрақ этмаган эрк ва озодлик учун ёнишларини, Оврупоча тараққий топган маърифатли юртни кўриш истагини ҳикоя қаҳрамони Муҳаммадиёр тилидан куйидагича баён этади:

Эй, ватандошларим! Қачонгача бу гафлат? Нимага бунча хушёқмассизлар? Ахир сизлар ҳам одам-ку! Одамлардек ҳаракат қилингизлар! Кўз олдингизга келуб тургон илм ва маърифат мевасидан фойдаланмасдан нимага оғизларингизни очуб қараб турасизлар? Нимага бу ишларга киришмайсизлар? Уйқудан кўз очинглар! Уйқудан кўз очинглар! Уринунглар! Илм, маърифат ва ҳунар изланглар! Вақт етди, балки ўтди! "[1]

Муҳаммадиёр дунё кўриб, ўз ватанини уларга қиёс этади, ҳавас қилади: *"Қани ҳалиги юмшоқ латиф ҳаволи денгизлар ва сувлар? Қани ҳалиги денгиз сувларин тўлқунлатуб юрадургон шамоллар? Қани 3-4 йил аввал Исвейчарада, Францияда, Италиёда, хусусан, Алп тоғларида кўрилган латифликлар? Қани Алп тоғлари устида ишлаб топган пулига ва дунёсига тўй қилмай, улоқ чопдирмай, бачча ўйнатмай, эшон-муллаларга ва қорни йўгонларга ялтираган тўнлар кийгузмай суюкту ўғлини ўқутган ва тарбия қилган Исвейчара қишлоқилари? Қани 7-8 қабатлик зийнатлик тоғлар қадар хоналар? Ҳозир онлар йўқ! Они ўрнига пастгина хашак ва лойдан ясалган бинолар ва онларда сафил бир ҳолда яшаган мусулмонлар! Топганин бачча, улоқ ва ичкулукка ҳам домла-эшон ва бойларга шалдиратуб тўн ва зарбоблар берган, бойлар кўлинда қул ҳукмида бўлуб юрган ўзбеклар, қозоқлар, туркманлар ва ҳаммаси мусулмонлар..."* [1]

Юртни озод, халқни маърифатли кўриш, маданияти тараққий топган юртда фаровон умр кечириш истаги биргина Чўлпон ижодида эмас, балки у билан даврдош бўлган Сиддиқий Ажзий, Исҳоқхон Ибрат, Сўфизода,

Мунаввар қори Абдирашидхонов, А.Авлоний, М.Бехбудий, А.Қодирйй, Фитратлар ижодий фаолияти учун ҳам энг долзарб ва биринчи масала бўлган. Маърифатпарварлик ва инсонпарварлик гоёлари хар бир давр адабиётнда турлича талқин ва тахлил этилади.

Чўлпон – миллий уйғониш даврининг барча шоирлари сингари кенг оммани маърифатга бошлаш, ҳақ-хуқуқини англатишни адабиётнинг бош мавзуси деб билди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов Н. XX аср адабиёти манзаралари (биринчи китоб). –Т.: Ўзбекистон, 2008.
2. Қосимов Б. Исмоилбек Гаспрали. – Т.: Фан, 1992.
3. Қосимов Б. Долимов У. Аҳмедов С ва бошқалар. Ватан ва миллат муқаддасдир. – Т.: Ўқитувчи, 1986.
4. Миллий уйғониш ва ўзбек филологияси масалалари. Т.: 1993.

MUNDARIJA

XX ASR BOSHLARI TARIXIY-MADANIY SHAROITI VA CHO'L PON IJODIYOTI

| | |
|---|----|
| Almaz ŪLVĪ BINNATOVA. ŐbdŪlhāmid Őolpan – sādīdĉilōrin ān bōyŪk Őairi..... | 4 |
| Рустамбек ШАМСУТДИНОВ. ЧŪлпоннинг биринчи терговдаги жавоблари..... | 11 |
| Дилором АЛИМОВА. ЧŪлпон ва давр..... | 15 |
| Баҳодир РАҲМОНОВ. ЧŪлпон – эрк, истиклол ва озодлик куйчиси..... | 21 |
| Дилдорахон АБДУЛЛАЕВА. ЧŪлпон мактублари хусусида..... | 29 |
| Нормурод АВАЗОВ. Бехбудий ва ЧŪлпон..... | 37 |
| Ойсулув ŪРОКОВА. ЧŪлпон эстетик тафаккурининг хусусиятлари..... | 43 |
| Махбуба ЗИЯЕВА. Роль творчества Абдулхамид Сулеймана Чулпана в узбекской литературе..... | 47 |
| Соҳибхон ИСЛОМОВА . ЧŪлпоннинг жорий нашрларда эълон қилинмаган шеърлари хусусида..... | 50 |
| Искандар МАДГОЗНЕВ. ЧŪлпоннинг бир имзоси хусусида..... | 57 |
| Mamlakat ISMOILOVA, Shablo KAMOLOVA. Aesthetical thought of mankind in chulpon's works..... | 64 |
| Adiba ABDURAZZAQOVA. Sulaymonqul bazzoz – Volai Rasvo adabiy merosi xususida..... | 72 |
| Умринисо ТŪРАЕВА. ЧŪлпон ижодида маърифатпарварлик гоъларининг ифодаланиши..... | 76 |
| Sabriddin AHMADOV. Cho'lpon ijodining tarixiy ahamiyati va o'ziga xos xususiyatlari..... | 81 |

CHO'L PON IJODIY IZLANISHLARI VA YANGI O'ZBEK

ADABIYOTINING BADIY TAKOMILI

| | |
|---|-----|
| Бахтиёр ФАЙЗУЛЛОЕВ. ЧŪлпоннинг бадий маҳорати ("Гузл" шеър мисолида)..... | 87 |
| Natza ŐZTŪRKŐŪ. Őolpan'in yarkinay piyesinde kadin..... | 95 |
| Нурбой ЖАББОРОВ. ЧŪлпон шеъриятидаги айрим рамзлар поэтикаси..... | 115 |
| Дилмурод ҚУРОНОВ, Донохон НЕЪМАТОВА. "Ойдин кечаларда" ҳикоясининг иккинчи таҳрири ҳақида..... | 124 |
| Муқаддас ТОЖИБОЕВА. ЧŪлпон сафарномаларидаги Ūзига ҳослик..... | 132 |
| Дилрабо ҚУВВАТОВА, Раҳима ШАРИПОВА. ЧŪлпон шеъриятида шамол ва булут рамзлари талқини..... | 136 |
| Ғайрат МУРОДОВ. Романчиликда янги бадий тажриба..... | 141 |
| Нормат ЮЛДАШЕВ. ЧŪлпон шеъриятида анъанавий жанрлар ва уларнинг трансформацияси.. | 146 |
| Ҳалим КАРИМ. ЧŪлпон ва болалар адабиёти..... | 152 |
| Маърифат РАЖАБОВА. Йил фасллари ва бадий талқин..... | 159 |
| Машҳура ШЕРАЛНЕВА. Ривояда нутқ субъекти ва нуктаи назар эгаси (ЧŪлпон ва Э.Аъзам асарлари мисолида)..... | 164 |
| Азиза АХМЕДОВА. ЧŪлпон асарларида такрорнинг лингвопоэтик хусусиятлари..... | 168 |
| Анжелика ХАЗРАТКУЛОВА. Мастер художественной словесности Абдулхамид Чулпан..... | 174 |
| Akromjon XUDOYBERDIYEV. Cho'lpon she'riyatida vatan konseptining badiiy falsafiy talqini..... | 178 |
| Бегали МŪМИНОВ. ЧŪлпон насаида зиёли образи талқини хусусида..... | 186 |
| M.QUDRATOVA. Cho'lpon – Navoiy ijodining targ'ibotchisi..... | 191 |
| Sabina BERDIYEVA. Cho'lpon hikoyalarida ayol obrazi tasviri..... | 194 |
| Orziboni YUSUPOVA. Cho'lpon ijodiy izlanishlarida va poetik individuallikni ta'minlashda sintaktik parallelizmning o'rni..... | 198 |